



ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкил тоғнага ўн йил тўлди. Шу муносабат билан МДҲ давлатлари раҳбарлари иштирокда саммит ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ушбу олий даражадаги учрашувда қатнашиш учун 29 ноябр кунин Москва шаҳрига жўнаб кетди.

Учрашувдан асосан МДҲнинг ўн йиллик фаолияти асосини ҳақда Ҳамдўстлик доирасида келгусида қилинадиган ишларга оид масалалар муҳокама қилинади.

МДҲни ташкил қилишдан қўлланган асосий мақсад ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, эркин савдо ҳудудини яратиш, чегара ва божхонага оид қонун-қоидаларни мувофиқлаштириш ва бу йўналишда мавжуд муаммоларни ҳамкорликда бартараф этиш эди, — деди Президент сафар олдида журналистларга берган интервьюсида.

Аммо айрим давлатлар бу мақсадларга иккинчи даражада вазифа сифатида қараб, Ҳамдўстликка бошқача тус бериб ва қандайдир ҳарбий-сиёсий гуруҳлар тузишга бериб кетди. Натижада, МДҲ доирасида имзоланган талай ҳужжатлар ижро этилмай қолди. Қўллаб-қувватлаш кенгашлар тузилиб ва бу маълум даражада Ҳамдўстлик олдига қўйилган вазифа сифатида бўлиб қолди.

Умуман, аввал бошдан ҳамма нарса иқтисод негизда ташкил қилинганда эди, сиёсий ва иқтисодий масалалар ҳам бирин-кетин ўз ечимини топаётган бўларди.

Мамлакатимиз раҳбари МДҲнинг келажиги ҳақида гапирар экан, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри сабоқ чиқариб, Ҳамдўстлик доирасида истиқболда қилинадиган ишларни аниқ белгилаб олиш зарурлигини таъкидлади.

Бундан биринчи навбатда МДҲ таркибидан ҳарбий-сиёсий гуруҳлар тузишдан воз кечиш ва асосий эътиборни иқтисодий муносабатларни янада кенгайтиришга қаратиш лозим.

Айниқса, Ҳамдўстлик доирасида икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга янада кўпроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳуқуқий асосга эга бўлган ҳужжатлар ижросини таъминлашга катта ёрдам боради, деди давлатимиз раҳбари.

У.А.

Москва. 29 ноябрь. У.А. махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Президент Ислам Каримов Москвага етиб келиши билан саммит доирасидаги икки томонлама учрашувларни бошлаб юборди.

Давлатимиз раҳбари Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва Молдова Президенти Владимир Воронин билан учрашди. Учрашувларда ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Саммит доирасидаги асосий тадбирлар эртага бўлиб ўтади.

Конституцияни ўрганамиз

ДАВЛАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИ

Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги шу йил 4 январда чиқарган Фармойиши мамлакатимизда аҳолининг ялпи ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўли билан ҳуқуқий давлатчилик тамойилларини мустаҳкамлаш, қонунлар устуворлигини таъминлаш, демократияни янада ривожлантиришга қаратилган муҳим амалий қадам бўлди. Бу, айни пайтда, халқимизнинг қонун ва қонунчилигимизга бўлган ҳурмат ва ишончини мустаҳкамлаш ҳам демаскидир. Зеро, Конституциямиз ўқиб-ўрган сайин илҳос ва қизиқишни кучайтирувчи, инсон эрки ва ҳуқуқларини аниқлаш борувчи илмий-ғоявий, ҳуқуқий ва маънавий хазинадир.



Хар қандай давлатнинг ҳуқуқий тизимида унинг Конституцияси марказий ўринни эгаллайди. Бошқача айтганда, Конституция давлатнинг ҳуқуқий асосидир. Бошқа қонунлар, қонун ҳужжатлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар шу асосда ишлаб чиқилади ва амал қилади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг таъсир кучини бевосита амалий фаолиятда ҳар кун сезиб турамиз ва унга таянамиз.

Конституциянинг бевосита ҳуқуқий тартибга солувчи ҳаракатдаги куч сифатидаги вазифаси унга мустаҳкамлаб қўйилган тамойилларда яққол ақс этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бундай тамойиллар гоят кенг қўлданга ўз ифодасини топади. Агар Конституциямизнинг мазмунига эътибор берадиган бўлсак, унда умумий ҳуқуқий, ҳуқуқнинг муайян соҳасига хос бўлган ва ҳуқуқнинг айрим институтларига оид тамойилларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Масалан, умумий ҳуқуқ тамойиллари қаторида: Иқтисодий адолат ва қонунчилик; Барча фуқароларнинг тенглиги; Халқроқ ҳуқуқнинг умумийроқлиги; Ишон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадри-қиммати ва бошқа даражада ҳуқуқларни олиқ қадрият эканлиги каби тамойилларни кўрсатиш мумкин. Ушбу умумҳуқуқий тамойиллар мамлакатимизда амал қилаётган барча ҳуқуқ соҳаларига тўла тааллуқлидир.

Айни пайтда Конституциямиз мазмунинда фақат фуқаролик ҳуқуқи соҳаси учун хос бўлган умумий тамойиллар ҳам мавжуд. Булар жумласига инсон шаъни ва қадри-қиммати ҳуқуқий муҳофаза этиш (27-модда), иқтисодий эркинлиги (42-модда), турли мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан бир хилда муҳофаза қилиниши (53-модда) каби тамойиллар киради. Ўзбекистон иқтисодиёти негизини бозор муносабатлари тизими ташкил этиши (53-модда), мулк дахлсизлиги (53-модда), юридик шахслар фаолияти йўналишлари ва доирасини белгилаб берувчи қоидалар (57-модда), мулк ҳуқуқини амалга ошириш шарҳлари ҳақидаги тамойиллар (54-модда) ҳам шулар сирасига киради.

Бу тамойилларнинг ҳар бири таркибидан теран маъно бор. Масалан, Конституциянинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантириш ўзининг очик асосини топади. Бинобарин, маъмурий буйруқбозлик тизими бугунги реал ҳаётимизда бирор-бир тарзда мавжуд бўлишига ҳеч қандай ҳуқуқий асос йўқ. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Конституциямизда ҳуқуқий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши таъкидланган. Мақсад —

иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда аққа ҳокимликка барҳам беришдан, қорхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларнинг мустақиллигини кенгайтиришдан иборат. Унда ҳўжалик фаолиятига давлатнинг яққа ҳокимчилик тарзида аралашувига чек қўйилган, иқтисодий фаолият эркинлиги таъминланган, ишбилармонлик ташаббуси ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очилган.

Хуллас, ўз мулкига ўзи ҳўжайин бўлган кишилар ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг асосий таяничи бўлиб хизмат қилади». Ушбу тамойиллар шунчаки декларатив характерга эга бўлган ақида эмас. Конституциянинг таъсиринан кучи қабул қилинган ва қўллана бошлаган пайтлардан қўроқроқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда яққол намоён бўлган эди. Зеро, Конституция қабул қилинган пайтда Ўзбекистон эндигина давлат мустақиллигини қўлга киритган ва унинг ҳудудидики собиқ иттифоқ давридан қолган кўп қонунлар амал қилар эди.

Худди шу даврда ҳуқуқий амалиёт эски қонунларга эмас, янги Конституцияга таяниб иш қўрди. Масалан, эски гражданик кодексда давлат мулкни қайтариб талаб қилиб олиш ҳақидаги даввосига нисбатан ўч йил даъво мuddати қўлланилар эди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандан кейин, унинг 53-моддасидаги барча мулк шаклларининг тенглиги ҳақидаги қоида билан Гражданик кодекси нормаси ўртасида зиддият вужудга келди ва ушбу норма Конституцияга номувофиқлиги сабабли бекор қилинди.

Эски Гражданик кодексда фуқаро биттадан ортиқ турар жойга эга бўла олмаслиги ҳақида ҳам махсус қоида мавжуд эди. Конституциямизнинг 36-моддасига асосан бундай чеклаш ҳам ўз кучини йўқотди. Бинобарин, Конституциямиз амалда қўллана бошлаган пайтдан қўроқроқ бевосита фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш йўлига жуда катта ва муҳим вазифаларни бажариб ва бажармоқда. Ҳозирги амалдаги Фуқаролик кодекси ва бошқа ўнлаб қонунларни ишлаб чиқишда Конституция ўзига хос ҳуқуқий негиз бўлди.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳимоятини ҳаётининг барча йўналишларида бўлганидек, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар соҳасида, айниқса, мулкчилик, тадбиркорлик, шартномавий муносабатлар соҳасида бевосита бунёдкор куч, ҳуқуқий асос сифатида намоён бўлмоқда.

Тамара КАИПНАЗАРОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия
вазирлиги ходими.



Бахтимиз қомусига айланган Асосий қонунимизни янада чуқур ўрганиб, аҳолининг барча қатламларига етказиш ишлари ўзига хос самара бермоқда. Бу борада Тошкент шаҳрининг Мирзо Улугбек туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди ҳам муайян натижаларга эришмоқда.

СУРАТДА: суд раиси Муборак Отажонов, судьялар Муқаддас Фуломова (чапда), Одил Азимов, Гулноза Комилова ва Салима Эшонқуловлар Конституциянинг бекиёс аҳамияти ҳақида ўзаро суҳбатлашмоқда. Қозим УЛМАСОВ олган сурат.

«Обуна — 2002»

«АДОЛАТ» ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

Адолат — ҳақиқат мезони.
Адолат бу — қонун, ҳуқуқ демаскидир.
Адолат бу — ҳокимият таяничи.
Адолат — иймон, дин, вайжон демаски.
Адолат — юксак фазилатлар мажмуаси.
Бундай инсоний тамойиллар ҳамиша

йўлдош бўлишини истасангиз «Адолат» газетасига тезда обуна бўлинг. 2002 йилда «Адолат» Сизга ҳамроҳ бўлсин! Бизнинг нашр қўрсаткичимиз — 100. Барча алоқа бўлимида обуна расмийлаштирилмоқда. Шошилинг.

ТАХРИРИЯТ.

Олий Мажлисининг еттинчи сессияси олдида

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР САРИ

Шу кунларда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлисидаги депутатлик фракцияси вакиллари, партия фаоллари иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси муҳокамасига киритилган масалаларни кўриб чиқмоқдалар. Бир қатор масалалар юзасидан тақдирлар ишлаб чиқмоқдалар. Жумладан, яқинда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар ва вилояти партия Кенгашларининг қўша пленумида сўзга чиққан «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашнинг биринчи котиби, партия фракциясининг раиси Т. Даминов сессия кун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикасининг «Халқроқ терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Мурожаатномасига тўхталиб ўтди.

Халқроқ терроризмнинг АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларидаги ёвузликлари бутун дунё халқларини ларзага солди. Ислам динини ниқоб қилиб олган экстремистик кучлар бу қабилхликлар билан ўзларининг асл башарасини олиб ташладилар. Йиллари уларни етарлича баҳолаб, қанча сиёсатчиларнинг қўзи ҳам очилди. Ҳозирги

кунда ақидапараст гуруҳлар дунёнинг кўпгина ҳудудларида халқларнинг тинч, осойишта ҳаётига раҳна солувчи сиёсий куч бўлиб қолдилар.

дан тортиб то раҳбариятининг алоҳида диққат-эътиборига сазовор бўлган масала — бу «Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни

гояни маъқуллаб, бўлажак парламентнинг таркибий тuzилимаси, палата ва комиссияларнинг функциялари юзасидан бир қатор тақлифларни қўйган эдилар.

Уларнинг фикрича, икки палатали парламентга ўтиш мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларга янги имкониятлар яратиши, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимият органларини тартиблаштириши, профессор-депутатларни ва юқори савияли сиёсатчиларни етилиб чиқишига йўл очади, минтақалар манфаатларини ҳимоя қилиш кўламини, Табиқий, тартибдорларнинг фикр ва мулоҳазаларини партия депутатлик фракцияси томонидан инобатга олинади.

Жойлардаги партиядан сайланган депутатлар ўз партия ташкилотларида сессия кун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси ҳақида»ги ва бошқа қатор мақола-матбуотлар, Бу Тошкентда октябрь ойи бошида бўлиб ўтган «Парламент ислоҳоти — Ўзбекистонда демократия таррақийётининг янги босқичи» ишчи конференцияси ва вилоятларда шу мавзуда ўтказилган семинарларда қатнашган «Адолат» СДП вакиллари маърузаларидан ахши маълум бўлди. Улар Президентимиз Ислам Каримов томонидан иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида илгари сурилган гоя — яқин истиқболда икки палатали қонун чиқарувчи орган яратилиши лозимлиги ҳақидаги

Америкадаги воқеалардан анча илгари юртбошимиз Ислам Каримов БМТ ва бошқа бир қатор нуфузли халқроқ анжуманлар минбаридан бу хатарнинг олдини олиш кераклиги ҳақида қайта-қайта таъкидлаб келган эдилар. Афсус, террорчилар ҳуруқи ўз бошларига тушмагунча бу масала жиддий эътибор берилмади, биргаликда уларга қарши кураш олиб борилмади.

Мурожаатномада барча соғ-лом фикрловчи давлат ва ҳукумат раҳбарларини, шу мамлакатлар жамоатчилигини терроризмга қарши биргаликда курашишга, унинг барча қўрилишдаги шакллари тағйирлаши билан йўқ қилишга чағир қилинди.

Сессия кун тартибига қўйилган, партия депутатлик фракцияси ва оддий аъзоси-

тузи масаласи юзасидан умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисида»ги масаладир.

Икки палатали парламентга ўтиш гоясини «Адолат» социал-демократик партиясининг кўпчилик аъзолари қувватламоқдалар. Бу Тошкентда октябрь ойи бошида бўлиб ўтган «Парламент ислоҳоти — Ўзбекистонда демократия таррақийётининг янги босқичи» ишчи конференцияси ва вилоятларда шу мавзуда ўтказилган семинарларда қатнашган «Адолат» СДП вакиллари маърузаларидан ахши маълум бўлди. Улар Президентимиз Ислам Каримов томонидан иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида илгари сурилган гоя — яқин истиқболда икки палатали қонун чиқарувчи орган яратилиши лозимлиги ҳақидаги

Мажлисидаги фракцияси аъзолари иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида фаол қатнашиб, ўз партиядошлари, хайрихоҳларини мамун қилиш учун бел боғлаганлар.

«Адолат» СДПнинг Олий Мажлисидаги фракцияси аъзолари иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида фаол қатнашиб, ўз партиядошлари, хайрихоҳларини мамун қилиш учун бел боғлаганлар.

Равшан ХАЙДАРОВ,
Ўзбекистон «Адолат»
СДП Сиёсий Кенгаши
котиби.

Божхона бекати

ҚОНУНБУЗАРЛАР ТУМШУҒИДАН ИЛИНДИ

— Мамлакатимиз иқтисодий ҳавфсизлиги ва ички бозорини ҳимоя қилиш билан республика иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган дастурларнинг бажарилишини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келатган божхона идоралари ходимлари жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи истиқбол режасини 100,3 фоиз қилиб бажардилар, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизматининг бошлиғи Абдумўмин Тиловов.

Ундирилган божларнинг ўзи бир неча ўн миллиард сўмини ташкил этди. Бундан ташқари мамлакатимизга олиб кириш ва ўндан олиб чиқиш тақиқланган олтин, қумуш сингари қимматбаҳо металллар, рухиятга таъсир этувчи ва портловчан моддалар, қурол-яроғ ва ўқ-дорилар, диний экстремистик мазмундаги адабиётларни, божхона қўнунларини бузиб, республикадан ташқарига ёки мамлакат ичарисига мол олиб ўтиш билан боғлиқ қонунбузарликлар йўлини тўсиш натижасида умумий қиймати 10,32 миллиард сўмлик товар-моддий бойликлар мусодара қилинди.

Ички бозоримиз қанчал

лик тўқин бўлса, расталар, пештакталар турли-туман халқ истеъмоли моллари билан қанчаллик бўлиб-тошса, мамлакатда шунчаллик арзончилик, фаровонлик, халқимиз дастурхони шунчаллик фойзали бўлади. Аммо, минг афсуски, фақат ўз нафсини, ўз манфатини ўйлаб, юртимиз бойликларини четга ташувчилар, шу йўл билан айрим танқисликларни вужудга келтирувчилар ҳам йўқ эмас. Бундайлар халқимизнинг қўлини қўйиб, тонна-тонна гўшт, ун, шakar, ёғ, гуруч, чой ва бошқа ноз-неъматларимизни қўлини қўйиб, шу йўл билан мўмай даромад топишга уринадилар. Божхона ходимлари бундай устаси фарангларни тумшугидан илтириш

учун кечани кеча, кундузни кундуз демай ўз постларида сергак турадилар. Ватанимиз иқтисодиётининг зийрак посбонлари ана шундай қонунбузарларни қармоққа олиштиришлари тўғрисида 612,3 тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 753 бош чорва моллари, 4019 тонна ун-дон маҳсулотлари, 227,3 тонна шakar, 90,7 минг литр ўсимлик ёғи, 32,9 тонна гуруч, 27,8 тонна чой четга чиқиб кетишдан сақлаб қолди.

Қонунбузарлар орасида нефть маҳсулотлари, минерал ўғит, рангли металлларни четга олиб чиқиб пуллаш пайида бўлган шововозлар ҳам талайгина топилади. Ишбилармонликнинг кингир йўлини таппалар қўлга олишга, белгиланган божни ўлашдан қочиб, божхона чегараларидан турли-туман файриқонуний йўллар билан мол олиб ўтишга уринмоқдалар. Турган гапки, улар божхоначиларимизнинг ўткир нигоҳларидан қочиб қутулаётганлари йўқ. Мисол учун, яқиндагина шундай қонунбузарлардан Мухайе Турметова билан Зоҳира Фафурбекова 36,1 миң миллион сўмлик, Фафуржон Мадумов 29 миллион сўмлик, Азиза Мамадалиева 22,3 миллион сўмлик Хитойда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли молларидан жудо бўлдилар.

Маълумки, мамлакатимизга ақуз маркази бўлмаган алкоғолли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда олиб кириш ҳукумат қарорлари билан тақиқланган. Шунга қарамай, мазкур маҳсулотлар билан «бизнес» қилувчи қонунбузарлар учраб туради. Яқинда ана шундай «бизнесмен»лардан бир гуруҳи божхоначилар қармоғига илинди. Назокат Очилова, Гулнора Султонова, Ойбек Тожев, Халима Жумаева, Полина Эржаева, Мухаббат Қурбонова, Мухаммадқарим Мусаев, Қаншар Разабекова, Адилбой Матмуродов, Элла Эшимбетова, Ширин Абдиева, Ойгул Рўзиева сингари «тижоратчилардан» 175,3 миң литр спирт ва спиртли ичимликлар, 546 миң қўти тамаки маҳсулотлари давлат фойдасига мусодара қилинди.

А. Тилововнинг айтишича, сўнгги пайтларда ташқаридан мол олиб келиш билан шуғулланаётган айрим «тижоратчилар» божхона қонунларини четлаб ўтишга, белгиланган божни ўлашдан қочиб, божхона чегараларидан турли-туман файриқонуний йўллар билан мол олиб ўтишга уринмоқдалар. Турган гапки, улар божхоначиларимизнинг ўткир нигоҳларидан қочиб қутулаётганлари йўқ.

• БЕЛГРАД. Европа Иттифоқи Черногориянинг Югославия таркибидан қилиш тарафдори. Мазкур ташкилотнинг ташқи сиёсий ва ҳавфсизлик бўйича вакили Хавер Солананинг фикрича, бу Югославияда кенг қўламли ислохот ўтказиш, Балқон минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда гоят муҳимдир. Хабарларга қараганда, Бельградда ЕИ вакили ва Черногория раҳбарлари ўртасида ушбу масалада музокаралар ўтказилган.

• ВАШИНГТОН. БМТ таркатган маълумотларга қўра ОИТС вирусини ташувчилар сонин ўтган йили 5,3 миллион кишига қўпайган, уч миллион киши вафот этган. Айни пайтда дунё бўйича 36 миллион киши ушбу хасталикка чалинган.

• РИМ. Италия яқин кунларда Фаластинга 6,5 миллион АҚШ доллари миқдоридан молиявий ёрдам ажратди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги шуни маълум қилди. Ушбу маблағ Фаластиннинг урушдан вайрон бўлган ҳудудларини қайта тиклаш учун сарфланиши кўзда тутилган.

• МИНСК. Беларусда сўнгги йилларда аҳолишунослик масаласида жиддий муаммолар туғилаётди. — Бу ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳамда миллий ҳавфсизликка жиддий хавф солмоқда, — деди мамлакат Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазири Антонин Морозов. Унинг айтишича, сўнгги етти йилда мамлакат аҳолиси 300 миң кишига камайди. 2050 йилга бориб бу кўрсаткич 2 миллионга етиши кутулимоқда. Бунинг олдини олиш учун аҳолишунослик масаласида қонун қабул қилиш лозим. Акс ҳолда вазият янада оғирлашиши мумкин, дейди А. Морозов.

• МЕХИКО. Мексикадан Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида хотин-қизлар, болалар, қария ва ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган минтақавий анжуман бошланди. Тадбир ЮНЕСКО ҳамда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссияси раҳнамолигида ўтказилмоқда. Унда юздан ортиқ давлатнинг ҳукумат ҳамда ҳокимият ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

дастурни назорати остида ўтди. Бу зарур маҳсулотларга сарфланган, деди БМТ вакили Аҳмад Фаузий.

• БОННАда ўтказилаётган конференцияда иштирок этаётган сиёсий гуруҳлар Афғонистонда вақтинчалик муваққат ҳукумат тузиш режасида яқдиди фикрга келишган. Маълум бўлишича, яқин ойлари ичида мамлакатда барқарорлик ўрната оладиган ва уни мустақамлайдиган ҳукумат тузишдек муҳим масала ўз ечимини топади. Ва 2002 йил баҳорида умумафғон ассамблеяси ўтказилади. Аммо ҳозирча тузилажак маъмуриятни қим бошқарши номаълумлигича қолмоқда.

• РИМ — ҳақиқий сайёҳлар шаҳри.

• ТОКИО. Япония Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш, аҳоли турмушини яхшилаш учун 23,3 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратди. Ушбу маблағ жаҳон озик-овқат

Жон Эшкрофт халқроқ террорчи Усама бин Ладин раҳбарлигидаги «Ал-Қоид» ташкилотининг юзлаб аъзолари Америка ҳибада сақланаётганлигини аён қилди.

• АҚШ адлия вазири Жон Эшкрофт халқроқ террорчи Усама бин Ладин раҳбарлигидаги «Ал-Қоид» ташкилотининг юзлаб аъзолари Америка ҳибада сақланаётганлигини аён қилди.

Наманган шахрининг гуллаб-яшнаб, бугунги даражага етишида чет эллик мутахассисларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

СУРАТДА: туркилик элекрик уста йўлмас Қўдир, ирландиялик мутахассис

Айгон Антони билан маҳаллий корхоналардан бирининг бош директори ўринбосари Юнусхон Хожмақбаров янги курилиш майдонида ўзаро маслаҳатлашув

 Сўраган экансиз...


— Чилик керак, сиз ҳам
жонланмасин,
— Яхши, доктор, лекин
янги пальто олмасам
н иложи йўқ-да.
* * *

— Дада, кўзизгизни
чинг.
— Нимага, ўғлим.
— Ойим айтдилар,
данг кўзини юмган-
н кейин оиламиз
ичийди, деб...
* * *

— Тўхтанг жаноб! Сиз
ҳозир ҳозир ўн доллар
олсангиз, олижаноб бир
илининг ҳаётини сақлаб
қар эдингиз.
— Мени кечиринг-у,
мо кўришадан сиз
дилар ҳам олижаноб
олмасангиз керак.
— Бу тўғри, аммо
йил гап сиз ҳақингиз-

Тошкент вилояти,
Ўрта Чирчиқ тумани,
Бектемир кўргони.

Босишга топшириш вақти—20.00, Босишга топширилади.



**Бош
муҳаррир:
Тўхтамурод ТОШЕВ**